



THE CENTRAL ASIAN VECTOR OF JAPAN'S ENERGY-ECONOMIC DIPLOMACY: POLITICAL, FINANCIAL AND INVESTMENT ASPECTS OF COOPERATION

O. I. Alimov

Doctor of Philosophy in Political Science Ph.D

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: aqiliddin@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: Japan's energy-economic diplomacy. Official Development Assistance (ODA) program. "Central Asia + Japan" dialogue. Eurasian diplomacy. Investment policy.

Received: 11.05.23

Accepted: 13.05.23

Published: 15.05.23

Abstract: This article highlights the important directions of Japan's energy-economic diplomacy, investment-financial policy in Central Asia at the modern stage. The strategic and geo-economic importance of the region is very important for Japan.

Central Asia has always been in the center of interest of the countries of the world because it is a rich region with 40% of gas reserves, 31% of oil, and 55% of coal reserves. Tokyo is interested in political stability in the region, its integrity, comprehensive cooperation. The presence of huge energy and natural raw material resources in the region is considered as the main factor of Japan's interests. The fact that Japan has a great opportunity in the construction of oil and gas pipelines that provide access to the world market of the region, in turn, is in the interests of the region.

Japan has consistently supported the development of mining and manufacturing industries, logistics and transport infrastructure in the countries of Central Asia, and has achieved certain achievements in this field. Japan's foreign policy in Central Asia served not only as a means of ensuring regional development, but also of establishing bilateral

relations and supporting Japan's foreign policy goals in the countries of the region.

Currently, the most important features of Japan's diplomacy in Central Asia are economic and resource diplomacy, regional infrastructure modernization, including the promotion of Japanese infrastructure exports, and human resources development.

ЯПОНИЯ ЭНЕРГЕТИКА-ИҚТИСОДИЙ ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВЕКТОРИ: ҲАМКОРЛИКНИНГ СИЁСИЙ, МОЛИЯВИЙ-ИНВЕСТИЦИОН ЖИҲАТЛАРИ

О. И. Алимов

сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори PhD

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: oqiliddin@mail.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Япониянинг энергетика-иқтисодий дипломатияси. Тараққиёт учун расмий ёрдам (ODA) дастури. “Марказий Осиё + Япония” мулоқоти. Евросиё дипломатияси. Инвестиция сиёсати.

Аннотация: Мазкур мақолада замонавий босқичда Япониянинг Марказий Осиёдаги энергетика-иқтисодий дипломатияси, инвестицион-молиявий сиёсатининг муҳим йўналишлари ёритилган. Япония учун минтақанинг стратегик ва геоиқтисодий аҳамияти жуда муҳимдир.

Марказий Осиё 40% газ захиралари, 31% нефть, 55% кўмир захиралари тўпланган бой ҳудуд бўлганлиги боис доимо дунё мамлакатлари қизиқишлари марказида бўлиб келган. Токио минтақадаги сиёсий барқарорлик, унинг яхлитлиги, ҳар томонлама ҳамкорлик қилинишидан манфаатдордир. Минтақада улкан энергетика, табиий хомашё манбаларининг мавжудлиги Япония манфаатларининг асосий омили сифатида қаралади. Минтақанинг дунё бозорига чиқишини таъминловчи нефть-газ қувурлари қурилишида Япониянинг катта имкониятга эга эканлиги, ўз навбатида, минтақа манфаатларига ҳам мос тушади.

Япония Марказий Осиё мамлакатларида тоғ-кон ва ишлаб чиқариш саноатини, логистика ва транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга изчил ёрдам бериб келмоқда ва ушбу соҳада муайян ютуқларга эришди. Япониянинг Марказий Осиёдаги ташқи сиёсати нафақат минтақавий

ривожланишни таъминлашнинг, балки, икки томонлама муносабатларни ўрнатиш ва минтақа мамлакатларида Япониянинг ташки сийсий мақсадларини қўллаб-қувватлашнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилди.

Ҳозирги вақтда Япониянинг Марказий Осиё дипломатиясидаги энг муҳим хусусиятлар иктисодий ва ресурслар дипломатияси, минтақавий инфратузилмани модернизация қилиш, шу жумладан Япония инфратузилмаси экспортини илгари суриш, инсон ресурсларини ривожлантиришга қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКИЙ ВЕКТОР ЭНЕРГОЭКОНОМИЧЕСКОЙ ДИПЛОМАТИИ ЯПОНИИ: ПОЛИТИЧЕСКИЕ, ФИНАНСОВЫЕ И ИНВЕСТИЦИОННЫЕ АСПЕКТЫ СОТРУДНИЧЕСТВА

О. И. Алимов

Доктор философии в области политических наук PhD

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

Электронная почта: aqiliddin@mail.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Энергоэкономическая дипломатия Японии. Программа официальной помощи в целях развития (ОПР). Диалог «Центральная Азия + Япония». Евразийская дипломатия. Инвестиционная политика.

Аннотация: В данной статье освещаются важные направления энергоэкономической дипломатии Японии, инвестиционно-финансовой политики в Центральной Азии на современном этапе. Стратегическое и геоэкономическое значение региона очень важно для Японии.

Центральная Азия всегда была в центре внимания стран мира, потому что это богатый регион с 40% запасов газа, 31% нефти и 55% запасов угля. Токио заинтересован в политической стабильности в регионе, его целостности, всестороннем сотрудничестве. Наличие в регионе огромных энергетических и природно-сырьевых ресурсов рассматривается как главный фактор интересов Японии. Тот факт, что Япония имеет большие возможности в строительстве нефте- и газопроводов, обеспечивающих выход на мировой рынок региона, в свою очередь отвечает интересам региона.

Япония последовательно поддерживала развитие горнодобывающей

и обрабатывающей промышленности, логистики и транспортной инфраструктуры в странах Центральной Азии и добилась определенных успехов в этой области. Внешняя политика Японии в Центральной Азии служила не только средством обеспечения регионального развития, но и налаживания двусторонних отношений и поддержки внешнеполитических целей Японии в странах региона.

В настоящее время наиболее важными чертами японской дипломатии в Центральной Азии являются экономическая и ресурсная дипломатия, модернизация региональной инфраструктуры, включая продвижение экспорта японской инфраструктуры, и развитие человеческих ресурсов.

КИРИШ

Энергетика хавфсизлигини таъминлашга қаратилган дипломатик саъй-ҳаракатлар Япония ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутди. Энергетика дипломатиясининг мақсади энергия манбаларини барқарор етказиб бериш, шунингдек, уларни етказиб берувчилар ва энергия манбаларини диверсификациялашдан иборат. Япониянинг Марказий Осиёдаги сиёсати шаклланишида ресурслар омили энергетика хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эгадир. Минтақа ўзининг табиий захиралари хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Марказий Осиёда кўмир, нефть ва газ, уран рудалари, қора ва рангли металллар, шунингдек, кимёвий хом ашё захиралари мавжуд.

Бундан ташқари, минтақа Шарқ ва Ғарб ўртасидаги “кўприк” сифатида муҳим геосиёсий ўринни эгаллайди. Марказий Осиё Россия ва Хитой, Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ва Европа ўртасида жойлашган ва тарихий нуқтаи назардан “Буюк Ипак йўли” ўтган худуддир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Япония учун минтақанинг стратегик ва геоиқтисодий аҳамияти Осиёнинг бошқа минтақалари, жумладан, Жануби-Шарқий Осиё каби ўта муҳимдир. Япониянинг “Ташқи сиёсат бўйича Мовий китоб”ига 2018 йилда киритилган қўшимчалар асосий стратегик концептуал ҳужжат бўлиб, унга мувофиқ ташқи ишлар вазирлиги Марказий Осиё дипломатиясини қуйидагича тафсиллайди:

“Япония учун Марказий Осиё муҳим геосиёсий аҳамиятга эга бўлиб, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни қўллаб-қувватлаш, инвестицион фаолиятни ривожлантириш Марказий Осиё дипломатиясининг

муҳим йўналишлари саналади. Марказий Осиёдаги Япония дипломатиясининг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- 1) икки томонлама муносабатларни тубдан мустаҳкамлаш;
- 2) “Марказий Осиё + Япония” мулоқоти орқали минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш ва минтақавий муаммоларни ҳал этишга ҳисса қўшиш;
- 3) глобал миқёсдаги ҳамкорликни ривожлантириш.

Мазкур ҳужжатнинг аввалги йиллардаги Марказий Осиё билан боғлиқ таҳририни таққослаш минтақанинг стратегик аҳамиятга эга эканлиги, Япония минтақавий дипломатияси устуворликлари тадрижий ривожланиб турли босқичларда муҳим натижаларга эришилганлигини билдиради.

Япониянинг Марказий Осиё дипломатиясининг устуворликларига асосланиб, муносабатлар хронологиясини қуйидаги беш даврга бўлиб ўрганиш мумкин:

1992-1997 йиллар – дипломатик алоқаларни ўрнатиш, биринчи миссияларни жўнатиш. Бу давр Япониянинг минтақа давлатларининг бозор ўтиш даври ислохотларини жадаллаштиришга кўмаги, Марказий Осиёнинг минтақавий ривожланиш банкларига аъзо бўлишига ёрдам кўрсатиш, Япония ҳукуматининг Тараққиёт учун расмий ёрдам (ODA) дастурининг бошланиши, Япония компанияларининг Марказий Осиёдаги энергия ресурслари қувур инфратузилмаси лойиҳаларига катта қизиқиш билдириши каби ҳаракатлар билан изоҳланади. Япониянинг “Энергетика сиёсати тўғрисидаги Оқ ҳужжат”да (1993) энергия манбаларини диверсификация қилиш ва бунда Марказий Осиё давлатлари захираларининг аҳамияти қайд этилган. Ташқи энергетика сиёсатида Токио, шубҳасиз, Сибирь ва Узоқ Шарқнинг ресурсларига қизиқиш билдирса-да, ҳудудий муаммолар билан боғлиқ вазият кенг кўламли ҳамкорликка тўсқинлик қилади. Шу боисдан, Япония учун Марказий Осиё республикаларини энергетика ҳамкорлиги бўйича потенциал шерик сифатида кўриш мақбулроқ эди.

90-йилларнинг бошидан Япония Марказий Осиё билан энергетика соҳасида ҳамкорлик қилиш имкониятларини ўрганишни бошлади. 1993 йил март ойида Япония миллий нефть корпорацияси Ўзбекистон, Туркменистон ва Қозоғистонда нефть ва газ қазиб олиш лойиҳаларини ҳар томонлама ўрганишни бошлашини эълон қилди. Айнан шу даврда Япония-Марказий Осиё энергетика ҳамкорлигида хусусий сектор вакиллари ҳам фаол иштирок эта бошлади. Масалан, “Mitsubishi Group” Туркменистондан Хитойга газ қувури ўтказиш ва Ғарбий Қозоғистон-Қумқўл нефть қувурини қуришда иштирок этишга тайёрлигини, “Itochu” Эрон орқали Туркияга газ қувури қурилиши бўйича халқаро консорциумга аъзо бўлиш ниятини билдирди.

1997-2001 йиллар – Бош вазир Р. Хасимотонинг Евросиё дипломатияси ҳамда Бош вазир К. Обутининг Ипак йўли ҳаракат режаси каби ҳужжатларнинг қабул қилиниши билан Япониянинг Марказий Осиёдаги сиёсати концептуаллашди. Унда илк бор Марказий Осиё ва Кавказ билан ҳамкорликнинг стратегик йўналишлари аниқ белгилаб қўйилди. Марказий Осиё республикаларининг энергетика соҳасини ривожлантиришни Япония иқтисодий тараққиётга туртки ва минтақавий интеграцияни ривожлантириш учун муҳим восита сифатида кўрди. Япония ушбу даврда Марказий Осиё мамлакатлари учун энг яхши донор бўлиб келди. Шунингдек, бу даврда Осиё Тараққиёт Банки Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастурини (CAREC) йўлга қўйди ва Туркменистон-Афғонистон-Покистон-Ҳиндистон (ТАПИ) газ қувури лойиҳасини қўллаб-қувватлади (2018 йил феврал ойида Афғонистон ҳудудида ТАПИ қувур линияси қурилиши бошланди. Қувурнинг ушбу қисмини амалга ошириш олдидан Туркменистон ва Афғонистон ўртасида газ қувурларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича музокаралар бўлиб ўтди. ТАПИ лойиҳаси амалга оширилса, минтақадаги кучларнинг мувозанати кескин ўзгариши мумкин. Туркменистон ўз газини ташқи бозорга экспорт қилиш имконига эга бўлиб, Хитойга боғлиқликнинг камайишига эришади).

2001-2009 йиллар. АҚШнинг Афғонистон ва Яқин Шарқдаги ҳарбий ҳаракатлари ортидан Япониянинг Марказий Осиёдаги сиёсатида ўзгаришлар юз берди. Коидзуми бошчилигидаги ҳукумат ташқи сиёсатининг Марказий Осиё вектори минтақада тинчлик ва барқарорлик, хавфсизликни таъминлаш масалаларига йўналтирилди. 2004 йилда ташкил этилган “СА+J” мулоқот формати ҳозирги кунгача кўп томонлама ҳамкорликнинг марказий платформаси бўлиб қолмоқда. 2005-2006 йилларда Коидзуми ва Абэ ҳукуматининг ташқи ишлар вазири Таро Асо бошчилигидаги ташқи сиёсат гуруҳи Евросиё ва Яқин Шарқнинг турли минтақаларида демократик кадриятларни тарғиб қилишга чақирувчи “Эркинлик ва фаровонлик” концепциясини илгари сурди. Унга кўра Япония дунёнинг турли минтақаларида демократик кадриятларни мустаҳкамлашда Ғарб мамлакатлари билан бирдамлигини билдирди. Янги куч мувозанати Хитойнинг минтақадаги мавқеини заифлаштирди ва Токиони минтақадаги иқтисодий, биринчи навбатда, энергетика лойиҳалари имкониятларини кўриб чиқишга ундади. Япония энергетика стратегиясида ушбу минтақа мамлакатларига алоҳида эътибор қаратила бошлади. Япон компаниялари минтақадаги нефть ва газ лойиҳаларида фаол иштирок эта бошлади.

2009-2012 йиллар. Япониянинг “Эркинлик ва фаровонлик” концепциясидан воз кечиши ортидан Хитой билан муносабатларнинг бирмунча яхшиланиши кузатилди. Ёшихико Нода бошчилигидаги ҳукумат Япониянинг Марказий Осиёдаги ресурс дипломатиясига устувор аҳамият қаратди. Хорижда уран казиб олиш ва ядровий ҳамкорлик

жадал ривожланди. Бирок, 2011 йил мартадаги Фукусима воқеаларидан кейинги мамлакат ички ва ташқи энергетика сиёсатда жиддий ўзгаришлар юз берди.

2012 йилдан ҳозирги кунгача бўлган замонавий давр Япониянинг прагматизм ва ресурслар дипломатиясининг янада жадаллашуви билан изоҳланади. Бу даврдаги Япониянинг Марказий Осиёдаги сиёсати бизнес соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш, йирик энергетика ва инвестицион лойиҳаларни фаоллаштириш нуқтаи назаридан ажралиб туради.

Япония ҳукуматининг Марказий Осиёга нисбатан концептуал муносабати амалиётга татбиқ этилмоқда. Кўп йўналишли ташқи сиёсат олиб борадиган минтақа мамлакатлари учун Япония муҳим халқаро шерикка айланди. Япония ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик, стратегик шериклик тўғрисидаги битимлар мавжуд. Япония ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида ҳал қилинмаган халқаро муаммо ва келишмовчиликнинг мавжуд эмаслиги сиёсий муносабатларнинг муваффақиятли ривожланишига ёрдам берадиган ижобий омиллардан биридир.

90-йиллардан бошлаб Япония Марказий Осиё транспорт йўлакларини Шарқ–Ғарб ва Шимол–Жануб йўналишларида диверсификациялашга кўмак бериб келди. Ушбу мақсадда икки томонлама ҳамкорлик доирасида ҳамда халқаро банкларнинг дастурлари орқали кўп миллиард долларлик ёрдам ажратилди.

1996 йилда бош вазир Рютаро Хасимото Евросиё дипломатияси доирасида Марказий Осиёга қаратилган ташаббусларни эълон қилди. Ушбу ташаббус Япониянинг иқтисодий ва геосиёсий манфаатларини муносиб тарзда илгари суриш, минтақавий барқарорлик, тинчлик ва тараққиётга ҳисса қўшишни назарда тутарди.

90-йилларда Япония Марказий Осиё мамлакатларига катта иқтисодий ёрдам кўрсатди. 1992-2000 йилларда унинг ҳажми 1 миллиард доллардан ошди. Ушбу суммадан Ўзбекистонга 396 миллион, Қозоғистонга 306 миллион, Қирғизистонга 290 миллион АҚШ доллари ажратилди. Транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш учун Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистонга имтиёзли кредитлар берилди. Япония Марказий Осиё давлатларини Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига қўшилишига ҳамда Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг Осиё тараққиёт банкига киришига кўмаклашди.

Япониянинг собиқ бош вазири С. Абэ 2006 йилда нашр этилган ўзининг “Тўзал мамлакат томон” (“Утсукушии куни-э”) номли китобида Марказий Осиёни ҳам тилга олиб, ушбу минтақанинг стратегик аҳамияти ва унинг ресурслари ҳақида маълумот бериб ўтади.

Япония минтақа давлатлари билан ўтган асрнинг 90-йиллари бошида дипломатик муносабатларга киришган бўлса-да, айнан энергетика соҳасидаги ҳамкорликнинг

фаоллашуви 2000 йиллар бошига тўғри келади. Бугунги кунда Япония энергетика стратегиясида Марказий Осиё давлатлари муҳим ўрин тутиб, қатор япон компаниялари минтақадаги нефть-газ лойиҳаларида фаол иштирок этмоқда.

Япония энергетика дипломатиясининг истиқболга мўлжалланган режалари минтақа энергия захираларини ХХР ва Корея ярим ороли орқали Япония ороллариغا етказиш мақсадини кўзда тутди. Шунингдек, Туркия, Эрон, Афғонистон ва Покистон орқали ўтадиган энергетика “коридори”нинг табиий захираларни етказиб берувчи муқобил маршрут сифатида белгиланиши Япониянинг минтақадаги фаоллигидан далолат беради.

Минтақага қаратилган энергетика дипломатиясининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида 2004 йилда Токионинг ташаббуси билан “Марказий Осиё+Япония” мулоқоти иш бошлади. Япониянинг мазкур ташаббуси Туркменистондан ташқари барча минтақа давлатлари томонидан қўллаб-қувватланди. Ушбу мулоқот Марказий Осиё минтақавий интеграцияси ва минтақавий муаммоларни ҳал қилишда мамлакатларнинг имкониятларини оширишни қўллаб-қувватлади. Япония дипломатияси концепциясига биноан, кўп томонлама мулоқот биринчи навбатда Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари томонидан ишлаб чиқилган моделга асосланиб Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган.

Япониянинг минтақа билан энергетика ҳамкорлигида япон компанияларининг иштироки ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, Каспий денгизи ва Қозоғистон худудидаги энергоресурсларни қидирув ва қазиб олиш ишларида Itochu Oil Exploration ва Inpex Corp компанияларининг фаолияти ривожлантирилмоқда.

Энергетика соҳаси, тиббиёт, шаҳар инфратузилмаси ва бошқа соҳалардаги илғор япон технологиялари Марказий Осиё иқтисодиёти учун жуда муҳимдир. 2018 йилга келиб Япония дунёдаги тўртинчи йирик нефть истеъмолчисига айланди ва нефть импортига боғлиқлик 99,7 фоизни ташкил этди. Шу сабабли, Япония ташқи сиёсатида энергетика хавфсизлигини таъминлашга қаратилган дипломатик ҳаракатлар долзарб аҳамиятга эга. Мамлакат энергетика дипломатиясининг асосий мақсади энергия манбаларини барқарор етказиб бериш, шунингдек, уларни етказиб берувчилар ва энергия манбаларини диверсификациялашдан иборатдир.

Япониянинг Марказий Осиёдаги ҳозирлиги икки асосий йўналиш орқали қўллаб-қувватланди. Биринчи йўналиш грантлар, технологиялар соҳасидаги ҳамкорлик, паст фоизли ва фоизсиз кредитлар ва бошқа турдаги молиявий ёрдам кўринишида амалга оширилди. Япониянинг Тараққиёт учун расмий кўмак (ODA) дастури доирасида барқарор иқтисодий ривожланиш учун пойдевор яратиш, демократлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтишни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий соҳани ривожлантиришга катта ёрдам кўрсатилди.

Иккинчи йўналиш Япония бизнесининг минтақадаги иқтисодий манфаатларни илгари суришда фаол иштирок этишини кўзда тутган эди. Шу нуқтаи назардан, Токио нефть, газ ва уранга бой Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркменистонда энергетика билан боғлиқ лойиҳаларни ривожлантиришга ҳисса қўшишга ҳаракат қилди ва ушбу энергия манбаларининг бир қисми Японияга экспорт қилиниши таъминланди.

Ривожланиш учун расмий ёрдам грантлар, техник ҳамкорлик, шунингдек, паст ёки ҳатто нол фоиз ставкаси билан иен кредитлари кўринишида тақдим этилади. Шу билан бирга, иқтисодий ва ижтимоий инфратузилма объектларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун кредитлар ажратилади ва кам ривожланган мамлакатларга қашшоқликка қарши курашиш ва инсоннинг асосий эҳтиёжларини қондириш учун грантлар берилади. Технологик ёрдам қабул қилувчи мамлакатларда мураккаб лойиҳаларни амалга ошириш учун шароит яратиш, мутахассисларни тайёрлаш ва жойларда мавжуд муаммоларини ўрганишни назарда тутди.

2015 йилга келиб ШХТнинг минтақадаги фаоллиги кенгайиб, Япониянинг узок йиллик ҳамкорлари – Ҳиндистон ва Покистонни қамраб олди. Минтақада Хитой таъсирининг кенгайиши ва фаоллашуви япон сиёсий ва эксперт доиралари томонидан эҳтиёткорлик билан қабул қилинганлиги билан изоҳланади. Ўша йили Япониянинг Марказий Осиё мамлакатлари билан алоқалари янги босқичга кўтарилди.

Шуни таъкидлаш керакки, Осиё минтақаси ҳар доим Япония инвестициясини қўллашнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб келган. JETRO статистикасига кўра 2016 йилда у инвестиция минтақаларининг энг яхши бешлигига кирган.

Япония сармояларининг асосий улуши асосан тўғридан-тўғри инвестициялар соҳасига тўғри келиб, машинасозлик, савдо ва тоғ-кон саноати каби соҳаларни қамраб олади. Хорижда Япониянинг хусусий капитал оқими тараққиёт учун расмий ёрдам (ODA) маблағлари билан тўлдирилади. Бу ривожланаётган мамлакатларнинг миллий иқтисодий комплексларини ривожлантиришда ёрдам беришнинг имтиёзли шакли ҳисобланиб, имтиёзли иен кредитлар, техник ва беғараз молиявий ёрдамдир.

Япония ҳукуматининг Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари билан учрашувларида табиий ресурслар масаласи жуда муҳим ўрин тутди. Минтақа мамлакатларидан Японияга нефть ва уран импортининг аҳамияти доимо долзарбдир. Қозоғистонда уран рудасини қазиб олишни ривожлантириш бўйича меморандум имзоланди ва уран ва бошқа фойдали қазилмаларни биргаликда қазиб олиш бўйича келишув бўйича ишлар бошланди. 2015 йилда Япония-Қозоғистон ўртасида атом энергетикаси соҳасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди унга кўра мамлакатда атом электр станцияси қуриш ва энергетика соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш белгилаб қўйилди. Энергетика ҳамкорлиги

энергия ресурсларига бой бўлган Ўзбекистон ва Қозоғистон билан фаол амалга ошириб келинаётганлигини таъкидлаш мумкин. Ўзбекистон нефть ва газга, шунингдек, ураннынг катта захираларига эга, Қозоғистон нефть ва газнинг асосий экспортчиси ҳисобланади. Туркменистон ҳам катта газ захираларига эга, аммо экспорт асосан Россия, Эрон ва Хитойга йўналтирилганлиги боис Япония билан энергетика ҳамкорлиги нисбатан суст. Шу билан бирга, 2015 йилдан кейин Туркменистоннинг япон технологиялари импортчиси сифатидаги аҳамияти ортиб бораётганини кузатиш мумкин.

Шунга кўра, Япония ўзининг энергетика хавфсизлигини таъминлаш учун Марказий Осиё мамлакатларида тоғ-кон ва ишлаб чиқариш саноатини, логистика ва транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга изчил ёрдам бериб келмоқда ва ушбу соҳада муайян ютуқларга эришди.

Умуман олганда, Япониянинг Марказий Осиёдаги ташқи сиёсати нафақат минтақавий ривожланишни таъминлашнинг, балки, икки томонлама муносабатларни ўрнатиш ва минтақа мамлакатларида Япониянинг ташқи сиёсий мақсадларини қўллаб-қувватлашнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилди. Марказий Осиё мисолида минтақа давлатларини молиялаштириш ҳажми мамлакатларнинг ресурс имкониятлари билан мос келади, бу эса мамлакатларнинг тўлов қобилиятини англатади.

Ўзбекистон ва Қозоғистон транспорт инфратузилмаси ва стратегик жойлашуви нуқтаи назаридан жуда муҳимдир: Қозоғистон Хитой, Россия, Каспий денгизи ва Тожикистондан ташқари барча Марказий Осиё республикалари билан чегарадош. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг барча беш давлати ва Афғонистон билан чегарадош ягона мамлакат бўлиб, бу уни потенциал марказий транспорт марказига айлантиради. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг денгиз йўли билан боғланмаганлиги Тошкентнинг транспорт инфратузилмаси соҳасидаги халқаро ҳамкорлиги ушбу жуғрофий вазиятни енгиб ўтишга ундайди.

Юқорида Япониянинг Марказий Осиё мамлакатларига кўрсатган молиявий кўмаги таҳлил қилинган бўлиб, аслида, Япониянинг Марказий Осиёга кўрсатган ёрдамнинг кўлами “чек дипломатияси” дан ҳам кенгроқдир. ЈСА ва бошқа Япония ташкилотлари доимий равишда Марказий Осиё мамлакатлари давлат хизматчилари, ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар, ишбилармонлар ва бошқа мутахассисларга ушбу марказлар орқали Японияда стипендиялар, курслар ва бошқа кенг ўқув дастурларини тақдим этиб келмоқдалар.

ХУЛОСА

Ҳозирги вақтда Япониянинг Марказий Осиё дипломатиясидаги энг муҳим хусусиятлар иқтисодий ва ресурслар дипломатияси, минтақавий инфратузилмани

модернизация қилиш, шу жумладан Япония инфратузилмаси экспортини илгари суриш, инсон ресурсларини ривожлантиришга қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Япониянинг Марказий Осиёдаги энергетика дипломатияси ва инвестициявий сиёсати натижаларини баҳолаб, қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин: Япония учун Марказий Осиё нафақат геосиёсий нуқтаи назардан муҳим минтақа, балки катта ресурс базаси ва истиқболли бозор ҳисобланади.

Шу билан бирга, мамлакатнинг сўнги йиллардаги минтақавий сиёсати таҳлили Марказий Осиёда янада фаол ташқи сиёсатга ўтиш, ижтимоий-иқтисодий ва молиявий-инвестицион таъсир воситаларидан кенг фойдаланишни талаб қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Dadabaev, T. Japan's Search for Its Central Asian Policy: Between Idealism and Pragmatism // Asian Survey, Vol. 53, p. 508.
2. MOFA Diplomatic Bluebook 2018, p. 149.
3. Len Ch. Central Asian Diplomacy: Motivations, Implications and Prospects for the Region // The China and Eurasia Forum Quarterly.vol.3, № 3, p. 130.
4. Dadabaev, T. Japan in Central Asia: Strategies, Initiatives, and Neighboring Powers. – Palgrave Macmillan, 2016. p. 19.
5. Organization for Economic Development and Cooperation. Official Development Assistance Database. URL: <https://data.oecd.org/oda/net-oda.htm>.
6. Len Ch. Japan's Central Asian Diplomacy: Motivations, Implications and Prospects for the Region // The China and Eurasia Forum Quarterly. 2005. № 3. p. 133.
7. S. Abe, Utsukushii kuni-he [Towards a Beautiful Country], Tokyo: Bungeishunju, 2006, p. 161.
8. Резникова О.В. Центральная Азия и страны Азиатско-тихоокеанского региона. – МэиМО, 1999, № 4. – С. 82.
9. Central Asia plus Japan Dialogue Action Plan. // www.mofa.go.jp/region/dialogue/action0606.html
10. Joint Statement “Central Asia + Japan” Dialogue / Foreign Ministers’ Meeting. Astana, August 28, 2004. URL: <http://www.mofa.go.jp/region/europe/dialogue/joint0408.pdf>
11. Dadabaev, T. Japan's Central Asian Diplomacy and Its Implications. Central Asia-Caucasus Analyst, 2006 8(17), 3–6.
12. Kawaguchi Yo. Speech at the University of World Economy and Diplomacy, Tashkent, August 26, 2004. URL: <http://www.mofa.go.jp/region/europe/uzbekistan/speech0408.html>
13. BP, ‘BP Statistical Review of World Energy,’ (BP, 2019); Petroleum Association of Japan, (Petroleum Association of Japan, 2019).

14. Dadabaev, T. Japan in Central Asia: Strategies, Initiatives, and Neighboring Powers. – Palgrave Macmillan, 2016. p. 20.
15. Dadabaev, T. Japan's Search for Its Central Asian Policy: Between Idealism and Pragmatism // Asian Survey, Vol. 53, p. 515.
16. Dadabaev, T. Japan's ODA assistance scheme and Central Asian Engagement: Determinants, trends, expectations // Journal of Eurasian Studies 7 (2016), p. 26.
17. Shimizu M. Central Asia's Energy Resources: Japan's Energy Interests // Islam, Oil, and Geopolitics: Central Asia after September 11. Lanham, Md., 2007. p. 120–121.
18. Japan's Outward FDI by Country/Region (Balance of Payments basis, net and flow). JETRO. URL: www.jetro.go.jp/en/reports/statistics.html
19. Nazarmuhamedov B. "Japan's ODA Policy Toward Central Asia and the Caucasus. An Analysis of Japanese Assistance to Economic Development in Kyrgyzstan and Armenia", Journal of International and Advanced Japanese Studies, Vol. 10, March 2018, p. 183.
20. Japan's focus on loan aid and infrastructure was recurrently highlighted in the studies of Japanese foreign aid, for instance, A. Rix, Japan's Foreign Aid Challenge: Policy Reform and Aid Leadership, London: Routledge, 1993 and M. Söderberg (ed.) The Business of Japanese Foreign Aid: Five Case Studies from Asia, London: Routledge, 1996.